





## ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

## ТАКЛИФЛАР АМАЛДА

• МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ •

Гулбаҳор алоқа раҳбарлиги газета ва поенцияларни тўғр  
лаш ва алоқа бўли  
ўз вақтида етказиб  
шини таъминлаш  
қаттиқ назорат ўрни

«Ҳамкасбаримиз» рубрикаси остида С. Нишоновнинг «Истеъдодли таржимон ва журналисти», «Тили ҳақида суҳбат» рубрикаси остида тарих фанлари кандидати Ш. Қосимовнинг «Тилимиз равон ва мусавфҳо бўлисин» сарлавҳали мақолалари босилган.

• МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ •

# КОВУНПОЛИЗЛАР КЎПАЙСИН

Гулбаҳор алоқа раҳбарлиги газета ва поенцияларни тўғр  
лаш ва алоқа бўли  
ўз вақтида етказиб  
шини таъминлаш  
қаттиқ назорат ўрни

буни тасдиқлайдилар.

Гулбахор алоқа у раҳбарлиги газета ва кор понденцияларни тўғри с лаш ва алоқа бўлимлар ўз вақтида етказиб бери шини таъминлаш усти қаттиқ назорат ўрнатди.



# ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ  
ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 2 (29)

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАМЛАР

Биз ҳисоблаб чиқдик. Имкониятларимизни ҳамалаб олдик. Ферма ва комплекслардаги мавжуд ем-хашақлар қишлоқнинг қолган қурали учун бемаълум етди. Масалан, ҳўжалиқларда 1900 тонна беда пичани, 250 тоннадан ортиқ табиий ўт пичани, 2600 тонна сенаж, 4 минг тоннадан ортиқ силос, 270 тонна сомон ва бошқа озуқалар мавжуд. Агарда районимизда 10 минг бош қорамош, 12 минг 500 бош қўй ва эчки, минг бош чўча, 1100 минг парранда борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда ана шу озуқалар 20—22 апрелга қадар етди. Ҳар бир молга едирладиган қунарга ўртача озуқа рақсонни кам деганда 12—13 озуқа бирлиги миқдорда бўлиши керак. Соғин сигирларига эса 14—15 озуқа, навосларга 9—10 озуқа бирлиги атрофида ем-хашақ бериб бўқилмоқда.

Бу жиҳатдан «Ленин йўли», Охунбобоев номи, «Северний маяк», Терешколов номи, «Коммунизм» қолхозларида олиб бориладиган ишлар диққатга сазовордир. Бу ҳўжалиқларда озуқа рақсонларининг самардорлиги юқори бўлади. Бунинг боиси шундаки, уларда жамғарилган ем-хашақларни сақлашга яхши эътибор берилган. Аралаш озуқаларни тайёрлаш технологиясига қатъий риоя қилинади. Ўтган икки ой давомида бу ҳўжалиқларда сут етиштириш планлари анча ошириб бажарилиди. Биз илгирларнинг тақрибига оммалаштириш мақсадида икки марта чорвадорларнинг район семинарини ўтказдик. Семинар қатнашчилари ўзаро тақрибга алмашишди, илгир иш услублари ҳақида ўртоқлашди. Фан, техника ютуқлари, ишлаб чиқаришга қандай жорий этилаётганлиги ҳақида фикр алмашишди. Икундан, «Северний маяк» қолхозига чорвадорлар кўпроқ молларни ўрчиштириб кўпайтириш ва наслчилик ишларини яхшилаш масалалари билан қизиқдилар. Терешколов номи қолхозда эса сигирларнинг қисир қолмаслиги учун қандай кураш олиб борилаётганлиги билан танишдилар. Охунбобоев номи, Карл Маркс номи, Свердлов номи қолхозларининг мутахассислари озуқа цехларининг тўхтовсиз ишлашини таъмин этиш омиллари ҳақида гапирдилар.

Районимиздаги қолхозларга бурдоқчи-

чилик пункти молбоқарлари ҳам бутун қишлоқ давомида ва айни кунларда ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу баъда молларнинг қунарик ўртача семирishi 700 граммга етди. Боқувга қўйилганда тирик вазни 150 килограмм бўлган букачалар гўштга топириши пайтида 400—450 килограмм тош босди. Улар қишлоқ даврида ем-хашақдан оқилон ва тежамли фойдаланганликларини учун ана шундай яхши ютуқларни қўлга киритдилар ва киришмоқдалар. Ўтидан ҳам қишлоқ яқинловчи босқичта кирган ҳозирги давларда чорвадорларнинг янада зўр куч-гайрат ва ишжўт билан иш олиб боришлари талаб этилади. Ҳар бир ҳўжалиқда озуқа цехлари узлуқсиз ва унумли ишлаб туриши шарт. Шу мақсадда «Госкомсельхозтехника» район бirlашмаси ҳузурида чорвадорларга техника хизмати кўрсатадиган махсус отряд ташкил этилган. Бу отряд билан рақсон орали алоқа боғлаб турилади. Отряд аъзолари у ёки бу фермада механизм, ускуналарни ва занас қисмлар билан таъмин этилган. Шунинг учун ҳам аниқланган камчилик дарҳол ўша ернинг ўзида тугатилади, чорвадорларга малакали ёрдам кўрсатилади. Отряд аъзолари иштирокида график бўйича ҳўжалиқларда штаб ўтказилади. Бу йилигида фермадаги мавжуд техника ва механизмларнинг қандай ишлатилганлиги таҳлил қилинади. Аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилади.

Районимиз ҳўжалиқларида 750 гектар майдонда оралиқ экинлари экилган. Қунарик ишини билан бу экинларнинг ривожини ташаббус. Апрельнинг ўрталарига бориб қавдар, рапс, перко сингари оралиқ экинларни ўриб, молларга едир-ишга киришिलाди.

Чорвадорларимиз партияимизнинг бўлаёқ XXVII съездини муносиб совғалар билан қутлиб олш учун ҳамма имкониятларни сафарбар этадилар.

С. ХАЛИЛОВ,  
Ўрта Чирчиқ район қишлоқ ҳўжалиқ ишлаб чиқариш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

### ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Ўтган беш ой якуни об-ластимизнинг қўлгина ҳўжалиқларида қишлоқ уюшқоқлик билан ўтганлигидан далолат бериб турипти. Айрим районларда чорвачилик махсусотлари харид қилиш анча кўпайди. Молларни сақлаш яхшиланди.

Коммунистик райониди-ги «Правда» қолхоз, Чиноз райониди-ги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, Тошкент райониди-ги Карл Маркс номи, Ўрта Чирчиқ райониди-ги Охунбобоев номи, «Ленин йўли» қолхозлари ва бошқа ҳўжалиқларда ҳар беш соғин сигирдан кўнига 10 литр ва ундан ошириб сут соғиб олинди. Улар махсусот етиштириш юзасидан белгиланган ҳалқ ҳўжалиги планларини муваффақиятли ба-жаришмоқдалар.

Лекин шу билан бирга жойлардаги аҳволни таҳлил этиш ва ўрганиш натижасида областдаги бир қатор қолхоз ва совхозларда чор-ва қишлоқнинг муваффақият-ли яқунлаш, махсусот етиштириш кўпайтириш юзасидан етарли иш олиб борила-маётганлиги маълум бўлди. Бундай ферма ва комплекс-ларда белгиланган тадбир-лар суқташлик билан амал-га оширилмоқда. Шунинг учун ҳам гўшт, сут ва бошқа чорвачилик махсусотлари-ни етиштириш ҳозирги кун-нинг талабларига тўла жа-воб бермайди. Айрим ҳўжа-лиқларда сирларнинг қўл-қўлга киритилиши йўл қўйилайди. Бўрдоқига қў-йилган молларни боқиб се-миртириш ҳам кўнгиладиган-дек эмас. Бу камчиликларни бартараф этиш учун шоши-лиқ чоралар кўриш керак. Ишчи илгирлар тақрибаси асосида ташкил этиш лозим.

БУ САФАР ЎРТА  
ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ҲУ-  
ЖАЛИҚЛАРИ ЧОРВА-  
ДОРЛАРИНИНГ ҚИШ-  
ЛОВНИ ЎТКАЗИШ СОҲ-  
СИДАГИ ИШЛАРИ, КАМ-  
ЧИЛИКЛАР, НУҚСОН-  
ЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИ-  
ШИ ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ  
ТАДБИРЛАР КЎРИЛГАН-  
ЛИГИ, ИЛГОР ТАҚРИСА-  
ЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИ-  
ЛИНАДИ.



СУРАТДА: қолхоз сут-товар фермаси бригада бошлиғи С. Ҳўжабеков (чапда), зоотехник-инспектор З. Пак ва осеманатор А. Аввалбеков ўртоқлар иш устида.

## З О Т В А МАҲСУЛДОРЛИК

ҲўЖАЛИГИМИЗ Яхши сут-товар фермасига эга. 310 бош сиргир боқилади. Уларнинг ҳаммаси деярли қора-ола зотли сиргирлар жуда оз бўлиб, подадаги молларнинг қўлчилиги жайдари, кам махсусли сиргирлардан иборат эди. Эндиликда ўша пайтда ҳар беш сиргирдан кўпи билан беш-олти литрдан сут соғиб олардик, деб айтишга кишининг тили бор-майд. Қиш пайтида-ку, махсусдорлик ҳаддан зиёд на-майиб кетарди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда молларнинг зотини яхшилаш юзасидан тинимсиз иш олиб

бордик, изландик, ўргандик, олимларнинг, мутахассис-ларнинг ёрдамига суяндик. Маслаҳатларига амал қил-дик. Натижада меҳнатлари-миз ақойиб самаралар бер-ди.

Чорвадорларимиз таъбири билан айтганда март ойи қишлоқнинг энг қийин да-ври ҳисобланади. Лекин шун-дай бўлишига қарамасдан бизда соғин сиргирлардан ку-нига ўртача 8 килограмм-дан сут соғиб олинмоқда.

Чуқки фермаимизда қишлоқ-ни намунали ўтказиш юза-сидан пухта тадбирлар иш-лаб чиқилиб, дастлабки кўн-ларданоз бўлиб тадбирларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди. Шунинг учун ҳам сут соғувчиларимиз, молбоқарларимиз мавсум синовдан муваффақиятли ўтмоқдалар. Ўтган йилнинг шу вақтидаги нисбатан сут етиштириш ва давлатга со-тиш анча кўпайди. Масалан, йил бошидан 14 мартгача бўлган давр ичида 164 тон-на сут соғиб олинди. Бу ўт-ган йилнинг шу муддатида-гига нисбатан уч тонна кўп-дир. Ҳисоб-китобларимиз уч ойлик плани анча орти-ғи билан бажаришимиз мум-кинлигини кўрсатиб турипти. Ҳар кун икки тоннага яқин сут соғиб олмақдамиз. Бу суръатни бушаширмаймиз. Албатта, мақсадимизга эри-шамиз. Бироқ, бой берила-ётган имкониятларимиз ҳам йўқ эмас. Фермаимизда ҳа-лигача озуқа цехининг йўқлиги гоёт афсусланарлидир. Унинг қурилиши қўзғиб юбо-

рилди. Биз цехнинг тез вақт ичида қуриб битказилиб, иш-га туширилишида умидвор-миз. Ана шунда сут соғиб олиш яна ҳам кўпайган бў-лур эди.

Бизга озуқа цехларингиз йўқ экан, у ҳолда қишлоқни қандай қилиб ўтказишлар, ем-хашақлар қайси усулда тайёрлаб берилади, деб савол беришлари мумкин.

Изланилса, қидирилса ҳам-ма нарсанинг иложи топила-ди. Аввало молларнинг зоти-ни яхшилаб олганлигимиз кўл келди. Ҳар бир қўлаб имкониятдан тўла фойдала-нишга ҳаракат қилдик. Ҳашақларни майдалаб бериш-да механизмлардан фойда-ландик, энг муҳими озуқа-нинг жамғариш ва уни сақлаш жараёнида сифатининг бу-зилмаслиги учун қатъий ҳа-ракат қилдик. Фермадаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнида механизм-лаштирилган. Бир сўз билан айтганда чорва қиш-ловини ўтказиш билан боғ-лиқ бўлган барча ишларини ўз вақтида, юксак савияда олиб бориш учун барча чо-ра ва тадбирларни кўрмоқ-дамиз. Эришадиган муваф-фақиятларимизнинг бош омилли ана шундадир.

Қиш даврида озуқадан те-жамкорлик билан фойдала-ниш учун кураш ҳар бири-мизнинг қўлданлик диққат-этибборида бўлди. Ҳозирги кунда 100 тонна яқин беда пичани, ўраларда 200 тонна маканжўхори си-лос бор. Қунарга ҳар бир сиргирга ўрта ҳисобда 10 ки-лограммдан пичан, 15 кило-граммдан силос, 10 кило-граммдан барда, 2 кило-граммдан концентрат озуқа беришмоқда. Бу — 11 озу-қа бирлигига тенгдир.

Узоғи билан 20 апрелдан бошлаб оралиқ экинларини ўриб молларга едир-ишга ки-ришамиз. Қузда 18 гектар ерга жавдар экиб қўйилган эди. Ривожланиш. Ҳар гек-тардан 250 центнернинг озу-қа масса олиншини мўлжал-лаб турибмиз.

Ҳўжалигимизда қишлоқ-нинг сўғини қунари ҳам намунали ўтати. Яқунлов-чи йилнинг дастлабки бос-қичида қўлга киритаётган ютуқларимиз салмоқли бў-лаётди. Ҳозиргача 73 бош бузоқ олинди ва тўла сақлаб қолинди. Улар дуркун ўс-моқда. Чорвадорларимиз бундан бўён ҳам меҳнатла-рининг салмоқли ва барак-ли бўлиши учун курашаве-радилар.

С. ҚОРАҚУЛОВ,  
«Ленин йўли» қолхозининг бош зоотехниги.

3-бет.

ТАЖРИБАЛАРИМИЗНИ

ЎРТОҚЛАШАМИЗ

## ҲАР КИЛОГРАММИ ҲИСОБДА

Қишлоқнинг дастлабки кунлариданоқ мавжуд ем-хашақларнинг сарфланшини устидан назорат қунайирилди. Шу мақсадда махсус комиссия тузилди. Унинг составига илгор чорвадор-лар, молбоқарлар, механизаторлар киритилди. Комис-сия аъзолари ҳар кун фер-мани айланиб, озуқанинг сақланиши, сарфланшини кузатиб туридилар. Бу соҳа-даги ишнинг қандай ташкил этилганлигини таҳлил этди-лар, яхши тақриблар омма-

лаштирилди, камчиликлар аниқланганида уларни тугатиш қараридан сарфлаш тадбири чоралар кўрилд. Биз рақсонли молларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳи-да-алоҳида белгиландик. Бунда сут берадиган сиргир-лар озуқасининг тўйимли ва етарли бўлишига эътибор қўйиштирилди. Ҳозир ҳам ана шу тартибга амал қил-моқдамиз. Қўрилган тадбир-ларнинг самараси қувончли бўлди. Бутун қиш давомида сиргирлар бир меърада озиқ-

лантириб борилади. Ҳозир ҳам запасимиз етарли. 250 тоннага яқин беда пичани, 100 тонна силос, 300 тонна сенаж бор. Озуқа цехи уз-луқсиз ва унумли ишлаб ту-рипти. Бу ерда ҳар икки со-атда ўрта ҳисобда 1600 ки-лограмм аралаш озуқа тай-ёрланади.

Сигир деярли ҳар беш соатда озиқлантирилади. Мавжуд озуқалар мол-ларга тез-тез ва оз миқ-дорда бериб борилаётганли-ги учун ҳам исрофгарчилик-

ка йўл қўйилмапти. Фермаимизда 160 бош со-ғин сиргир боқилайди. Бу-тун қиш давомида улардан мўл-қўл сут соғиб олинди. Ҳозир ҳам эришадиган на-тижалар анча салмоқли бў-лаётди. Беш йилликнинг якунида йили дастлабки икки ойи мобайнида ўтган йилнинг шу вақтига қараган-да икки тонна кўп сут со-ғилдик. Ҳар кун 1200 кило-граммдан сут соғилмоқда. Бу ҳам ўтган йилдагига қа-раганда кўпдир.

Н. КИМ,  
«Коммунизм» қолхозининг сут-товар фермасининг бригадери.

## ТЎХТОВСИЗ ИШЛАБ ТУРИБДИ

ёрлашни таъминлаймиз. Бир тонна аралаш озуқа икки соғин давомида бўғлан-тирилади. Бунинг учун агар-ретатта 150 килограмм се-наж, 200 килограмм силос, 650 килограмм похол, 70 килограмм омухта ем, 6 ки-лограмм туз солинади. Улар механизмлар ёрдамида қор-иштирилади. Тайёр бўлган озуқа шу ернинг ўзида приципларга ортилиб, мол-хоналарга юборилади. Бу-тун кун давомида ишни ана шу зайлда давом эттира-миз.

Биз тунда ҳам ишлаймиз. Чуқки етарлаб соат 7 га аралаш озуқа тайёр бўлиши

керак. Ана шундай кезлар-да бизга тунда ишловчи молбоқарлар Маҳмуд Қоди-ров, Холбўта Қўрбонвалар ёрдам беришади. Ҳамкор-ликда, ўзаро бамаслашқ ишлаш, озуқа цехи ме-ханизмларига техник қаровин яхши йўлга қўйиш туғайли тунда ҳам 8 тонна аралаш озуқа тайёрлаш имконияти-га эга бўламиз.

Яшириб нима қиламиз. Ишларимиз анча тигиз. Баъзан ўзимизни чарчаган-дек ҳис қиламиз. Бироқ, қишлоқнинг намунали ўтаб-ганлигини, махсусот етиш-тириш асло қамаймаётган-лигини, чорвадорларимиз

қўтаринки руҳ, яхши қай-фият билан ишлаётганлик-ларини қўриб, хурсанд бўла-миз, чарчовимиз таркаб ке-тади, руҳланамиз, яна ҳам яхши ишлашга бел боғлай-миз. Шунинг учун бўлса керак, йил бошидан буён сут-товар фермаимиз бўйича 112 тонна сут соғиб олинди. Бу ўтган йилдагига қара-ганда анча кўпдир. Кўптарал-планини ҳам ошириб ба-жаришимизга ишончимиз ко-мил.

К. УКИМБОВ,  
Карл Маркс номи қолхозининг озуқа цехи механизми.



Дарвоза олдида қолхоз-нинг бош зоотехниги Абду-малик Иброҳимовни учратиб қолдик. У мени хушудлиқ билан қутлиб олди.

— Қишлоқ қандай яқун-ланяпти, — сўрадим ундан. — Хотиржам бўлаверинг, отахон, — деди Абдумалик. — Бизда ҳамма ишлар тар-тибли, белгиланган режа бўйича олиб борилапти.

Сўнгра у мақтаниб:

Ферма бўйича ҳар бир молнинг бир кеча-кундуз-лик рақсонли сиргирларга нисбатан 12 озуқа бирлиги, соғин сиргирларга нисбатан эса 15 озуқа бирлигига тў-ғри келади, — деди.

Бу гапни эшитиб хурсанд бўлиб кетдик. Ахир яхши-да, март ойи ҳам охирида қолган бўлишига қараман моллар ана шунча рақсон асосида боқилаётган бўлса, жуда соз-ку. У ҳолда ҳар бир сиргирдан кўнига 10 литр ва ундан ошириб сут соғиб олинаётгандир.

— Шундай эмасми, ўг-лим?

Менинг бу саволим зоо-техника унча ёқиниқрамади. — Қани ҳисоблаб кўрай-лик-чи, — деди у ва қўл-ига қалам олиб, қоғозга ал-ланасаларни ёза бошлади: кеча ферма бўйича 980 ки-лограмм сут соғилди. Бу сутни 112 бош сиргирга тақ-симлайдиган бўлсак 8,7 ки-лограммданга тўғри келади.

Атиги шуми? Агар соғила-ётган сиргирларга нисбатан оладиган бўлсак, 6,5 ки-лограммдан ошмайди-ку? Бу қанақаси бўлди! Сиргирларга 15 озуқа бирлиги миқдорда ем-хашақ берилаётганлиги-га қандай қилиб ишонса бу-лади.

Фермани айланиб у ерда-ги аҳвол билан бирма-бир танишдик, масала нимада эканлиги ойдинлаша бошла-ди: агарда соғин сиргирлар подасида 150 бош мол бўл-са, шундан кўпи билан 18—20 таси сут бермаслиги нормал ҳол деб ҳисобланади. Бу ерда эса 38 та сиргир сўтдан чиққан. Улар ем-хашақни бекорга еб, беюрга навиш қайтариб етипти. Бу касаллик қўлдан давом этиб келаётганга ўхшайди.

Қоқоқлиқнинг боиси ни-мада? Ахир маълумотларда кўрсатилишича, жамғарилган ем-хашақ май ойига етиб ортиши керак-ку. Бу саволга аниқроқ жавоб олиш мақса-дида рақсоннинг состави билан астойдил қизиқдик.

## Сигирлар ҳасрати

Қунарик 45 килограмм ра-ционнинг атиги беш килограм-мин беда ташкил этади. Ва-ҳоланки, озуқанинг ҳазм бў-лиши ва сутнинг қўлайлиги беда пичанининг аҳамияти гоёт катта эканлигини ҳам-ма яхши билади.

— Мулоҳазангиз ўрнили, отахон, — дейди бош зоотех-ник, — лекин гап шундаки, ёз пайтида, қишлоғга озуқа жамғариш жараёнида мута-хассислар ҳисоб-китобдан янглишди. Улар нуқул силос ва сенажга зўр бе-ришди.

Ажабо, бу жавобни қан-дай тушуна бўлади. Мута-хассислар деганда ўзини ҳам назарда тутайтими у? Энди-ғи пушаймоннинг нима ке-раги бор?

Ферма айланишда давом этдик. Мавжуд озуқалар молларга қай аҳволда еди-рилипти экан. Партия коми-тетининг секретари А. Иса-ев ва зоотехник билан бир-галикда озуқа цехи иши билан танишдик. Цехда бир

кеча-кундузда уч тонна озу-қа тайёрланган экан.

— Албатта, бу камлик қилади, — деб ўзлари тан олдинди раҳбарлар. — Чуқки озуқа цехимизда ускуналар кам, фақат озуқаларни май-далаётган механизмлар бил-лан иш кўрапмиз.

Шундай бўлгандан сўнг хушхўр, витаминларга бой, тўйимли озуқа ҳақида қан-дай гап бўлиши мумкин? Моллар озуқаларга солиб ке-тилган озуқани иштаха би-лан емайди. Қўлгига ур-ганидан бўлса керак ҳидлаб тескари қарайди. Чуқки си-лос ва сенаж бостириш жа-

раёнида технологияга қатъ-ий риоя қилинмаган.

Бечора сиргирлар шун-нинг учун ҳам охушлар-даги озуқаларга қий бекши-мас экан-да! Шунинг учун ҳам фермага бирон бе-гона одам бориб қолса қў-ларини мўлтилатишиб таманишади, қўриб қўйинг-лар, аҳвол-тирикчилигимиз шунча, деб маърашади. Айтишлар, қандай қилиб бу ҳолда мўлжалдаги сутни бе-ришимиз мумкин, деб ҳас-рат қилаётгандек бўлишади.

Ўрта Чирчиқ райониди-ги Аҳмад Иброҳимов номи қол-хоз фермасидаги ана шу сингари камчиликларни кў-риб анча ҳафа бўлиб қайт-дик. Ўтган йили-ку, қиш-хонда ҳар беш соғин сиргир-дан атиги 2346 килограмм-дан сут соғиб олинган экан. Наҳотки йўл қўйилган нуқ-сонлардан ҳалигача тўғри ҳулоса чиқарилмаса?!


Қўнон ота ҳўқосинини оққа кўчирувчи

М. ЕГОРОВ.



— Ич-этимизни шилиб, сутимизни қамайтириб юбо-рипти-ку бу маза-матраси йўқ озуқалар.

И. Растворцева расми.



СУРАТДА: ҳўжалик фермаси бригада бошлигининг ўринбосари А. Содиқов (чапда), озуқа цехи оператори А. Рибоев ўртоқлар озуқа сифатини кўздан кечиришмоқда.

## ЧОРВАДОР МАТЕРИАЛАРИ ИЗИДАН

### «ОЛДИНГИЗДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚМИ?»

Газетанинг шу йил 6 фев-раль сониде «Қоқоқлар би-лан суҳбат» рубрикаси би-лан юқоридаги саралашча ос-тида босилган таъкидлий ма-қолада Чиноз райониди-ги Киров номи қолхозда «Мос-ква» қолхозларида чорвачи-

лиқнинг ночор аҳволга ту-шиб қолганлиги, сиргирлар-дан сут соғиб олиншини кес-кин қамайиб кетганлиги ва бунинг сабаби озуқа запаси-нинг қамланиши эканлиги ҳа-қида таъкидлий фикрлар бил-дирилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Чиноз район ижроия коми-тетининг раиси М. Абдука-римовдан жавоб олинди. Унда айтилишича, мақола «Москва» ҳамда Киров номи қолхоз правдасини мажлисда район агросаноат бirlашмаси Совети раиси-нинг биринчи ўринбосари Т. Омаров иштирокида муҳо-кама қилинган.

Кўрсатилган камчиликлар-

ни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган. Жўмладан, «Москва» қол-хозда янги озуқа цехи ку-риш смета-лойиҳа ҳужжат-лари тайёрланиб, шу йил-нинг ўзидеяк ишга тушири-лиши планлаштирилди. Ўз вази-фасига соғувқонлик бе-дан қараган «Москва» қол-хоз бош зоотехниги Х. Бийжигитов ишдан бўша-тилди.

Киров номи қолхозда эса озуқа цехи «Госкомсель-хозтехника» район бirlаш-маси томонидан ремонт қили-ниб, ишга туширилди. Фер-мадаги ишдан чиққан водо-провод трубалари алмашти-рилди.

Жамоатчи редколлегия: Ш. А. АКМАЛХО-НОВ (редактор), И. В. АЖИНОВ, А. Е. БА-КИРОВ, Т. Г. ГОТИН, В. В. ЖЕРДЕВ, М. ИСОКОВА, Н. РИХСИЕВ (масъул секре-тар), В. ШАБАЛИН.





# ЎТЮРАК ЖАНГЧИ

Исон ҳаёти, тақдирда қўлдан қўп ҳодисалар, воқеалар юз беради. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам хотирада тарихий ва эсда қолмайдиган из қолдиравермайди. Аммо киши учун муқаддас, азиз ва муътабар бўлиб қоладиган умрбоқий эсдаликлар бўладики, улар ёлғиз ўзининггина эмас, кўпчилиكنинг, жамиятнинг фахрли меросига айланади.

Улуғ Ватан уруши йилларида автоматчилар ротаси командири бўлиб жанг қилган Алексей ГОЛУБЕНКОнинг қуролдошлари билан Берлин остонала-

## КАХРАМОНЛАР ОРАМИЗДА

рида кўрсатган жасорати ана шундай унутилмас хотирадир, 1945 йил 31 майда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида буюн юрдошимизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган эди.

Давлат имтиҳонларини аълога тоширган Алексейнинг орауларини бир олам эди. Икки кундан сўнг хайрлашув нечаси бўлади, дерди у ўзинга ўн. Мен, албатта, юрист бўламан. Дўстларим ҳам ўз севган касбларини эгаллашга ишонаман. Андрей врач бўлмоқчи. Павел эса шофер. У техникага ихлос қўйган.

...Тўсатдан уруш бошланиши фақатгина Алексейнинг эмас, кўпчилик ёшларнинг

ҳаётини, орзу-умидларини чил-парчин қилиб юборди. Барчанинг олдида ягона мақсад — Ватанини ҳимоя қилиш турарди. Минглаб йигитлар қатори А. Голубенко ҳам фронтга отланди.

Кичик жуссали, ҳаранатчан, қўзларидан ўт қақнаб турувчи бу йигитни дастлабки жанглардан қуролдошлари ҳам, командирлар ҳам севиб қолди. У ўзига берилган тошпирқини зиёда билан бажарар, жангга кир-

ганда вайрон бўлиб харобага айланган шаҳар ва қишлоқларимиз, етим қолган гу-дақлар, ҳаётдан эрта кўз юмган дўстлари учун ўч олиш ҳисси қалбини алангалатарди.

1944 йилнинг 25 июлида обидан қаттиқ яраланди. Даволаш учун Тошкентга юборишди. Тошкент таълим-чилик комбинатининг медицина-санитария қисмида даволанган, яна фронтга йўл олди. 35-механизациялаш-

ган бригаданинг автоматчи-лар ротасига командир қилиб тайинланди.

Ушбу рота жангчилари дастлабки совет солдатлари сафида Берлинга ҳужум бошлади. Шаҳар аланга ичида қолди. Ҳар бир кўча, ҳар бир муқолиш, ҳар бир уй учун қақшатқич жанглар давом этарди.

Энг даҳшатлиси 28 июль кунинда содир бўлди. Александр ротасидан жангчиларнинг кўпчилиги ана шу ку-

ни ҳалок бўлишди. Йигирма чоғлиқ солдат тиш-тирноғига қуролланган немислар билан курашнинг давом эттирарди. Шу кунги йигирма нафар солдат ўзларидан тўрт баравар кўп душман солдатларини асир олди.

Еш командир солдатларини жангга чорлар экан, Ватан учун, ҳақимиз эрки, озодлиги учун мардонавор курашишга даъват этди. Ана шу жасоратлари учун батальон командири Туровен,

рота командири Алексей Голубенко Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Юрдошимиз ордени кейин Қизил Юлдуз ордени, кўппаб медаллар ҳам беади.

Уруш тугагач, Алексей институтни тугатиб, юристлик касбини эгаллади. Республика прокуратурасида, икки ишлар министрлигида, партия органларида масъул лавозимларида ишлади. Ҳозир шахсий пенсионер.

Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қизгин ҳозирлик қўйилаётган шу кунларда Алексей Голубенко турли кечаларга, сўхбатларга таклиф қилишмоқда. Алексей Александровичнинг айниқса, ёшлар билан бўладиган учрашувлар ҳаё-жонлангирди. Уларга уруш ветерани шундай дейди: «Менинг фақатгина бир орзум бор. У ҳам бўлса Ер юзиде тинчлик бўлсин. Ёшлар оталарининг, боболарининг жасоратларини доим ҳурмат билан ёдда сақла-синлар».

А. ҒУЛОМОВ.

## РЕКЛАМА ВА ЭҶЛОНЛАР

СОВЕТ ХАЛҚИ ФАШИСТЛАР ГЕРМАНИЯСИ УСТИДАН ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

### «ҒАЛАБА»

2 СЕРИЯЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ БУТУНИТИФОҚ ПРЕМЬЕРАСИ

Фильм А. ЧАКОВСКИЙНИНГ машҳур романи асосида яратилган.

Сценарий муаллифлари — В. ТРУНИН, Е. МАТВЕЕВ. Режиссёр — Е. МАТВЕЕВ.



Мазкур фильмда бундан қирқ йил муқаддам бўлганидек халқроқ иқлимни заҳарлаш ва тинчлик ҳамада халқлар халқсизлиги ҳолатининг таъна қилишига бутун чоралар билан ҳалал беришга уринаётган Ғарб пропаганда-сига илгор жамоатчилик кучларининг қарши кураши билан боғлиқ муҳим масалалар олға сурилган.

Фильмда Совет ҳукуматининг иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунлари ва ундан кейинги йиллар — то Хельсинкида тинчлик программаси имзоланган давргача бўлган тинчликни сақлаш йўлидаги кураши ўз ифодасини топади. Ажойиб актёрлар ансамбли (А. Михайлов, А. Миронов, Р. Чингизов, А. Масюлис, Г. Менделет, Г. Яковлев) фильмнинг марказий воқеаси — Потсдам конференциясидаги назорат маҳорат билан жонланган олган.

«МОСФИЛЬМ» — «ДЭФА» (ГДР) киностудияларининг маҳсулот.

Премьера областнинг қуйдаги шаҳарлари ва кинотеатрларида 1985 йил 19 апрель кунини соат 19.00 да ўтказилади.

Чирчиқ — «НАВОИЙ» кинотеатри.

Олмалик — «КОСМОС» кинотеатри.

Бекобод — «ЮБИЛЕЙ» кинотеатри.

ПРЕМЬЕРАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙўЛЛАР ИНСТИТУТИДА

31 март соат 11.00 да

МАТЕМАТИКАДАН ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИЛАДИ

9—10 синф ўқувчилари таклиф қилинади.

Олимпиада иштирокчилари 30 март шабаб кунини соат 15.00 гача, қизлар кунини соат 10.00 дан 11.00 гача қуйдаги адресда рўйхатдан ўтказиладилар: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй, 304-хона.

## Театр Цирк

ҲАМЗА НОМИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/III да Келинлар қўзғоломи (12.00), рўя (19.30), 27/III да Зебунисо (12.00), Зебунисо (19.30), 28/III да Ғийбат (12.00), Ғийбат (19.30).



БУТУН МОСКВА I. 9.00 — «Время». 9.40 — Ушмирлар ижоди. 10.20 — Киноэюл. 10.25 — «Оқ патлати». Фильм-спектакль. 12.20 — Биз билан зеринийасиз. Телеспектакль. I. серия. 12.55 — Цирк майдониди. 13.40 ва 15.00 — Янгиланган. 15.20 — Хужжатли фильмлар. 15.50 — Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 16.50 — Келажакдан иелган меҳмон. Вадий фильм. 2-серия. 17.55 — Хужжатли фильм. 18.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.00 — Камер хори қўйлади. 20.20 — Ғалаба стратегияси. 3-фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Ёзувчи ва ҳаёт. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — «МТ фондидан».

ТОШКЕНТ I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Воқеалар учун фильм. 11.15 — Қўшарим, жон қўшим. 12.00 ва 18.00 — Янгиланган. 18.15 — Мулк фильм. 18.30 — Шоирлар болалиги. 19.05 — Миллоналар ленинча университетини. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Ваҳорнинг бир кунини йилга татийди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Вой ила хизматчи» Спектакль.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.15 — Москва II. 18.15 — Кинопрограма. 19.15 — Эстетика асослари. 19.55 — Тошкент янгиланган. 20.20 — Концерт. 21.00 — Ўқитувчи экрани. 21.30 — Москва II.

## РЖЕВДАН ХАТ ҚУРОЛДОШЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ

1941—1943 йилларда Ржев шаҳри учун қаттиқ жанглар бўлган эди. Унда минглаб совет солдатлари қатори ўзбекистонликлар ҳам иштирок эттишган. Шаҳар комсомол ёшлари Ржев учун курашган Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига мурожаат қилиб, Буюк

Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан ташкил қилинадиган кўргазмалар, шон-шухрат музейлари учун ветеранлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни юборишларини сўрайди. Улар жанг хотиралари, бугунги кундаги фаолиятлари, ҳалок бўлганларнинг ақиқатлари эса солдатлар ҳақидаги маълумотларини қуйдаги адресга жўнатсинлар:

172350, Калинин области, Ржев шаҳри, шаҳар комсомол комитетининг «Летописи Великой Отечественной» штаби.

## «Сизда қандай янглик бор?»

### «Баҳор таровати»

З. ВИНОВАДОВА,

Тошкент парфюмерия фабрикасининг директори

— Кунини кеча савдо тармоқларига чиқариладиган маҳсулотларимизни «Баҳор таровати» деб номладик. Булар — чиройли қилиб беа-тилган аёллар духиси, сов-тигилган аёлларнинг от-тирқали мўнажизига шиша идишдаги атир, эркаклар одеклоиддан иборат. Косметика цехида эса

камёб «Люкон» суюқлигини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фабрикамиз мутахас-сизларга ўша маҳсулотни ишлаб чиқариладиган техноло-гик линияни жиҳозлашда москвалик ҳамкасблари яқиндан ёрдам бердилар. Шу йилнинг ўзиде янги маҳ-сулотдан савкам 4 миллион сўмлик тайёрланади.

## Чет элларга жўнатилади

С. ХҲЖАЕВ,

Тошкент химия-фармацевтика заводининг цех мастери

— Химдистонлик инж-нер-техник ҳодимлар корхо-намизда бир неча ой мобай-нида меҳнат қилдилар. Улар ўз мамлакатларида тайёр-ланган суюқ дориларни авто-матик тарзда қуйишга мўл-жалланган янги технологияни қўрилмани ишла туширишга кўмаклашдилар. Шундай қи-либ ишлаб чиқаришнинг ана шу участкасидаги қўл меҳ-

натига барҳам берилди. Кишиларга саломатлик бахш этувчи маҳсулотлари мизнинг довури довои ош-моқда. Яқинда Урта Осиёда биринчи бўлиб валериян экстрактининг таблеткасини ишлаб чиқариш йўлга қўй-илди. Янги дори-дармонлари мизини Чехословакия, Болга-рия, Лаос каби чет мамла-катларга ҳам жўнатишимиз.

## Хаваскорлар кўриги

Р. БАРАТОВ,

Бекобод район маданият уйининг директори.

— Районимиздаги барча бадий хаваскорлар коллективлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган янги концерт программасини тайёрладилар. Яқинда район маданият саройида қишлоқ санъаткорларининг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Унда асосан ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги

қўшиқлари янгради. Кон-курсада 30 дан ортиқ бадий хаваскорлик коллектив-лари, 20 яққохон хонанда ва мактаб ўқувчилари ишти-рок эттишди.

Қўшиқда айниқса район пионерлар уйининг кўгирчоқ театри, 41-мактабнинг хор коллективи тайёрлаб кел-ган номерлар манзур бўлди.

АҚШ территориясида Марказий Америка мамла-катларига юбориш учун қал-лакесарларни ёллаш бўйича қўлдан-қўп маркалар таш-кил этилган. Улар томонидан ёлланган тажрибали «инструкторлар» Сальва-дорга жўнатилади. Бу ерда улар қонли режими ҳарбий-ларини партизанлар билан курашиш йўлларида, Амери-када ишлаб чиқарилган ку-роллари ишлатишга ўргати-шади. Суратда: АҚШда ёл-ланган «инструктор» Сальва-дор ҳарбийларини Америка-да ишлаб чиқарилган мино-мётдан отишга ўргатмоқда.

ТАСС фотохроникаси.



## «ЕР ЮЗИДА ХАЁТ БЎЛСИН ДЕБ»

ЛОНДОН. Британия пой-тахтида «Ер юзида ҳаёт бўлсин деб» мавзусида ТАСС фотовиставкаси очилди. Фа-шизм устидан қозонилган та-рихий Ғалабанинг 40 йилли-гига бағишланган шу фото-виставкага қўйилган 300 га яқин экспонат ўз Ватани

озодлиги ва мустақиллиги учун, Европани ва бутун дунёни нацизм вабосидан ҳалос этиш учун совет халқи олиб борган қаҳрамонона ку-раш йилномасидир.

Виставкани очиб мароси-мида Англиянинг таинқил сиёсат ва жамоат арбоблари, ташиқ ишлар министрлиги-нинг вакиллари, Лондондаги турли районлар муниципали-


тетларининг мэрлари, иккин-чи жаҳон уруши ветеранла-ри, катта-катта насаба сою-ларининг раҳбарлари, савдо-саноат доираларининг на-моёндалари ҳозир бўдилар.

(ТАСС).

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" / ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БҒЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юрталари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; ҳатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; филь-тонлар—325556; фотомуҳбир—325894.

